

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
Ҳ У К М И

2023 йил декабрь ойининг 5 куни, Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи: Ф.Абдураимов,

ҳайъат судьялари: Н.Мирзажонов ва А.Хабибуллаевдан иборат таркибда, И.Собировнинг котиблигида, тарафлардан Андижон вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори У.Шамшидинов, ҳимоячи Д.Мадрагимов, судланган О.А, жабрланувчи Ш.К, К.Х, К.И ва Ж.Мнинг иштирокида, О.Ага оид жиноят ишини унинг ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикояти ҳамда Хонобод шаҳар прокурорининг апелляция протести асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Хонобод шаҳар судининг 2023 йил 24 ноябрдаги ҳукмига мувофиқ:

\_\_\_\_\_ куни Шаҳрихон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, олти нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Шаҳрихон туман Тиббиёт бирлашмаси қабулхона диагностика бўлими мудир вазифасида ишлаган,

\_\_\_\_\_ да яшаган, иш бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган Ахлиддинов Отабек Адахамовичга

эълон қилинган айбловнинг жабрланувчи Ж.Мнинг мулкани товламачилик йўли билан қўлга киритганликдаги эпизоди Ўзбекистон Республикаси ЖПК 83-моддасининг 1-бандига асосан оқланган. Ўзбекистон Республикаси ЖК 165-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланилиб, 3 йил давлат ташкилотларининг мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларида ишлаш ҳамда блогерлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқларидан маҳрум қилиниб, 5 йил озодликдан маҳрум қилиш, 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари, ЖКнинг 59,61-моддаларига асосан 3 йил давлат ташкилотларининг мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган



вазифаларида ишлаш ҳамда блогерлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқларидан маҳрум қилиниб, 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони умумий тартибли колонияда ўташ белгиланган.

Мазкур суд ҳукми билан Д.М ҳам судланган бўлиб, жиноят ишининг унга оид қисми юзасидан апелляция шикояти ёки протести берилмагани сабабли муҳокама қилинмади.

Суднинг ҳукмига кўра, О.А Шаҳрихон туман Тиббиёт бирлашмаси қабулхона-диагностика бўлими мудири вазифасида ишлаб келиш билан бирга ижтимоий тармоқларда халқ муаммоларини ёритиш билан шуғулланувчи “блогер” эканлигидан фойдаланиб, Тиббиёт бирлашмасидаги иссиқлик тизимида мавжуд бўлган камчиликларни Интернет тармоғига жойлаштириб, тарқатиш орқали тиббиёт бирлашмасининг шаъни ва кадр-қимматини обрўсизлантириш билан кўрқитиб, мавжуд камчиликларни интернет ижтимоий тармоғига чиқармаслик эвазига бирлашма бош ҳисобчиси К.Хдан 300 АҚШ доллари (3.354.000 сўм)ни товламачилик йўли билан талаб қилиб, 2022 йил 15 ноябрь куни ўзининг хизмат хонасида талаб қилинган пулларни фуқаро Х.Тоштемиров орқали қўлга киритган.

Бундан ташқари, О.А Шаҳрихон туман Тиббиёт бирлашмасига шартнома асосида аутсорсинг хизматини кўрсатиш билан шуғулланиб келувчи “Baraka go’sht harid savdo” МЧЖ раҳбари К.И учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни, жумладан аутсорсинг хизматидаги камчиликларни Интернет тармоғига жойлаштириш орқали у раҳбарлик қилиб келаётган жамият шаънини обрўсизлантириш ҳамда тузилган шартномани бекор қилдириш билан кўрқитиб, мавжуд камчиликларни Интернет тармоғига чиқармаслик ва шартномани бекор қилдирмаслик эвазига К.Идан 2023 йил январь ойидан март ойига қадар жами 12.800.000 сўм пулларни такроран товламачилик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, О.А Шаҳрихон туман Тиббиёт бирлашмасида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш билан шуғулланиб келаётган “And Sof Stroy” МЧЖ раҳбари Ш.К учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни, жумладан тадбиркор томонидан шифохонада олиб борилаётган қурилиш-монтаж ишларидаги камчиликларни видеотасвирга олиб, уни Интернет тармоғига жойлаштириш орқали унинг раҳбарлиги остидаги жамиятнинг шаъни ва кадр-қимматини обрўсизлантириш билан кўрқитиб, видеотасвирларни Интернет тармоғига чиқармаслик эвазига Ш.Кдан 3.000 АҚШ доллари (34.140.000 сўм) талаб қилиб, 2023 йил 17 март куни ўзининг хизмат хонасида талаб қилинган пулларни такроран товламачилик йўли билан қўлга киритган вақтда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланган.

Бундан ташқари, О.А Шаҳрихон туман Тиббиёт бирлашмасига қаршли кўп тармоқли марказий шифохонасининг диетологи лавозимида ишлаши учун махсус сертификат ёки дипломга эга бўлмаса-да, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1993 йил 19 мартдаги 122-сонли буйруғининг 1-бандида кўрсатилган талабларга зид равишда, бирлашма бош диетологи лавозимида тайинланишига эришиб,



аслида ушбу лавозимда ҳеч қандай иш фаолиятини амалга оширмасдан, 2018 йил август ойидан 2023 йил март ойига қадар 56.212.000 сўмлик кўшимча иш ҳақларини олиб, анча миқдордаги бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли орқали толан-торож қилган.

Бундан ташқари, О.А Шаҳрихон туман Тиббиёт бирлашмаси қабулхона-диагностика бўлими мудирини вазифасида ишлаб келган бўлса-да, 2018 йил 28 май куни кўшимча сифатида 0,5 иш ҳажмида бирлашманинг УТТ шифокори лавозимига тайинланиб, бироқ ушбу лавозимда ҳеч қандай иш фаолияти билан шуғулланмасдан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 181-моддасининг 2-қисмида кўрсатилган талабларга зид равишда, амалда бажарилмаган ишлар учун 2019-2023 йиллар давомида 100.985.500 сўмлик кўшимча иш ҳақлари олиб, такроран кўп миқдордаги бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли орқали толан-торож қилган.

Бундан ташқари, О.А Шаҳрихон туман Тиббиёт бирлашмаси қабулхона-диагностика бўлими мудирини вазифасида ишлаб келиб, бўлим санитаркаси ва пулик хизмат кўрсатиш бўлими кассири Д.М билан олдиндан тил бириктириб, 2021 йил январь ойидан 2023 йил март ойига қадар тиббиёт бирлашмасига амбулатор тартибда мурожаат қилиб келган 24.918 нафар беморларга кўрсатилган сервис хизматидан тушган 207.534.700 сўмлик маблағларни банк ҳисоб рақамига шахсан ўзи топширишини айтиб, кунлик тушум пулларни Д.М ҳамда Д.М орқали бошқа тиббиёт ходимларидан қабул қилиб олиб, такроран ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган жуда кўп миқдордаги бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Протестда, биринчи инстанция суди томонидан О.Ага нисбатан жиноятнинг оғирлиги ҳамда жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар ва маҳкумнинг жиноят содир этганидан кейинги хулқ-атвори инобатга олинмасдан енгил жазо тайинлангани сабабли суд ҳукмини бекор қилиб, янги айблов ҳукми чиқариш сўралган.

Судланган О.А ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикоятда, биринчи инстанция суди томонидан унинг кўрсатувлари ва келтирган важлари текширилмагани, гувоҳларнинг судда берган кўрсатувлари ва ишдаги далиллар қонуний баҳоланмагани, асоссиз айблов ҳукми чиқарилгани ҳақида важлар келтириб, оқлов ҳукми чиқаришни сўраган.

Судланган О.А ўз эътирозномасида, протестга нисбатан эътироз билдириб, енгиллик беришни ёки оқлов ҳукми чиқаришни;

фуқаровий даъвогар вакили И.Мамажонов, жабрланувчи К.И, Ж.М ва шу иш бўйича судланган Д.М ўз эътирозномаларида, протест ва шикоятга нисбатан эътирозлари йўклигини;

жабрланувчи К.Х ва Ш.К ўз эътирозномаларида, протест ва шикоятга нисбатан эътирозлари борлигини маълум қилганлар.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси А.Хабибуллаевнинг маърузасини, прокурор У.Шамшидиновнинг протестни қаноатлантириб, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдириш, адвокат Д.Мадрагимов ва судланган О.Анинг шикоятни қаноатлантириб, протестни



каноатлангирмасдан қолдириш, жабрланувчи К.И, Ж.М, К.Х ва Ш.Книнг судланганга нисбатан енгиллик бериш ҳақидаги фикрларини тинглаб, протест ва шикоятда келтирган важларини жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини бекор қилиб, янги айблов ҳукми чиқаришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 497<sup>19</sup>-моддасида, ҳукми бекор қилиш учун суд терговининг тўлиқ эмаслиги ёки бир ёқлама олиб борилганлиги; суднинг ҳукмида баён қилинган суд хулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ келмаслиги; ушбу Кодекс нормаларининг жиддий равишда бузилганлиги; Жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланилганлиги; жазонинг адолатсизлиги асос бўлиши;

497<sup>24</sup>-моддасида, жазо жиноятнинг оғирлигига, маҳкумнинг шахсига номувофиқ бўлса ёки Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган доирадан четга чиқмасдан тайинланган бўлса-да, бироқ тури ёки миқдори бўйича ўта енгил ёки ўта оғир бўлса адолатсиз ҳисобланиши;

497<sup>29</sup>-моддасида, апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳукмини бекор қилишга ва маҳкумга нисбатан жазони кучайтирган ёки унга эълон қилинган айблов доирасида оғирроқ жиноятга оид қонунни қўллаган ҳолда янги айблов ҳукми чиқаришга ҳақлилиги, апелляция инстанцияси суди томонидан биринчи инстанция судининг айблов ҳукми маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирган ҳолда бекор қилиниши фақат прокурорнинг протестига ёки жабрланувчининг, унинг вакилининг шикоятига кўра янги ҳукм чиқариш орқали амалга оширилиши мумкинлиги;

497<sup>31</sup>-моддасида, ҳукм бекор қилинган тақдирда, апелляция инстанцияси судининг ажримида қонуннинг қайси нормалари талаблари бузилганлиги ва бекор қилинаётган қарорнинг асоссизлиги нимадан иборат эканлиги кўрсатилиши кераклиги, апелляция инстанцияси суди қарор қабул қилиш чоғида биринчи инстанция суди томонидан текширилган далиллар ва апелляция инстанцияси суди томонидан текширилган янги далилларга асосланиши мумкинлиги белгиланган.

Шунга кўра, апелляция инстанцияси суди ишни прокурорнинг апелляция протести ва судланган О.Анинг ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикояти асосида кўриб чиқиб, биринчи инстанция суди томонидан текширилган далилларга асосланиб, О.Ага оид суд ҳукмини бекор қилиб, янги айблов ҳукми чиқаришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 2-моддасида, жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатлиги;

ЖК 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши,



яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 22 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 28-бандида, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги, булардан келиб чиқиб, судланганнинг жавобгарлиги даражаси хусусиятига қандай ҳолатлар таъсир этганлиги, шунингдек унинг шахсини тавсифловчи суд муҳокамасида тасдиқланган ва ЖК 54-моддасига биноан жазо тайинлашда суд томонидан ҳисобга олинган бошқа ҳолатларни ҳукмда кўрсатиб ўтиш лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ, биринчи инстанция суди томонидан қайд этилган Қонун нормаларига ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Хусусан, биринчи инстанция суди ишдаги объектив далиллар: жабрланувчи К.Х, К.И, Ш.К, гувоҳ Х.Тоштемиров, И.Юлчиев, Н.Ходжаев, Г.Турғунова, М.Отабоев, М.Отажонов, З.Сиддиқова, Ш.Нўмонова, Н.Нуриддинова, М.Кенжаева, М.Юлдашев, З.Жуманов, Б.Эгамбердиев, Н.Хасанбоев, Қ.Усмонов, қўшимча гувоҳ С.Негматов, М.Олимжонов, М.Тошбоев, Т.Абдурахмонов, А.Усмонов, А.Юлдашев, Ш.Аминжоновларнинг суддаги кўрсатувлари, аризалар, тақдим қилинган дискни олиш, пулларга кимёвий ишлов бериш, овоз ёзиш мосламасини тақдим қилиш, ҳодиса жойини ва транспорт воситасини кўздан кечириш, сўзлашувлар ёзиб олинган дискни эшитиб кўриш, юзлаштириш баённомалари ва уларга илова қилинган ҳужжатлар, мутахассис хулосалари, текширув далолатномалари ва уларга илова қилинган ҳужжатлар, жиноят оқибатида етказилган зарарларни ихтиёрий равишда топширганлигини тасдиқловчи тўлов квитанциялари, ашёвий ва ёзма далиллар асосида судланган О.Ани жабрланувчи Ш.К, К.Х, К.Иларнинг мулкани такроран товламачилик йўли билан қўлга киритганликдан ҳамда такроран анча, қўп ва жуда қўп миқдордаги бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликдан иборат ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 165-моддаси 2-қисмининг “а” банди ва 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан квалификация қилиш ҳақида тўғри тўхтамга келган бўлса-да, ЖК 165-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган товламачилик нафақат жабрланувчи К.Хнинг, балки тадбиркорлик субъекти ҳисобланган К.И ва Ш.Книнг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қўпол бузгани, балки иқтисодиёт соҳасида ҳам катта зарар келтирувчи жиноят эканлигини, жиддий ижтимоий хавф туғдирганлигини ҳисобга олмасдан, шунингдек ғаразли ва бошқа паст ниятларда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолаган бир вазиятда модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам муддатини тайинлаб, хатоликка йўл қўйган.

Бундан ташқари, апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳукмини бекор қилиб, янгидан айблов ҳукми чиқараётганлиги



сабабли судланган О.Ага нисбатан дастлабки тергов органи томонидан эълон қилинган айбловларни муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келди.

Дастлабки тергов органи томонидан судланган О.Ага жабрланувчи Ж.Мнинг мулкани товламачилик йўли билан қўлга киритганлик бўйича эълон қилинган айблов эпизоди ўз исботини топмаганлиги инobatга олинмасдан, мазкур эпизод бўйича етарли ва ишончли далилларсиз О.А нотўғри айбланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 26-моддасида, суд фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб ҳукм чиқариши;

95<sup>1</sup>-моддаси 1-қисмининг 6-бандида, агар фактик маълумотлар қонунга хилоф усуллар орқали ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли билан ёхуд ЖПК талаблари бузилган ҳолда, жумладан, жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланганнинг суриштирувдаги, дастлабки терговдаги судда далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан олинган бўлса, улар далил сифатида мақбул эмас деб топилиши белгиланган.

Юқорида қайд қилинган Олий суд Пленуми қарорининг 5-бандида, судларнинг эътибори ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилиши, ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари кераклиги;

6-бандида, ишда тўпланган далилларнинг етарли эмаслиги, далиллар қонунга зид равишда олинганлиги сабабли улар далил ҳисобланмаслиги ёки қўйилган айбловда судланганнинг тўлиқ айбдорлиги тўғрисидаги шубҳани бартараф қилишнинг имкони йўқлиги ҳақидаги суднинг асослантирилган хулосаси оқлов ҳукми чиқариш учун асос бўлиши, бартараф қилишнинг имкони бўлмаган шубҳалар судланганнинг тўлиқ айби ёки айбловнинг алоҳида эпизодлари бўйича ҳам топилиши мумкинлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Юқорида қайд этилган эпизод бўйича жабрланувчи Ж.М дастлабки тергов ва биринчи инстанция судида турли мазмунда кўрсатувлар берган бўлиб, ишда мазкур эпизод бўйича судланган О.Анинг айбини исботловчи бошқа объектив далиллар мавжуд эмас.

Хусусан, жабрланувчи Ж.М дастлабки тергов даврида, “Orzudagi хонадон” МЧЖ раҳбари вазифасида ишлаб, Шаҳрихон тумани Тиббиёт бирлашмасига қарашли 2-туғуруқ комплексида қурилиш ишларини амалга ошириши давомида Шаҳрихон тумани тиббиёт бирлашмаси шифокори О.А унга туғуруқ комплекси қоровулхонасига туташ ҳолатдаги 8 х 6 метр ўлчамдаги бўш ер майдонида бино қуришини айтиб, қурилиш ишларида қурувчи сифатида ёрдам беришини илтимос қилиб, унга қурилиш ишларига сарфлаган 23.000.000 сўм пулларини бермагани, бир неча марта О.Адан пулларини сўраганида, у пулларни кейинроқ беришини айтгани, О.Адан пул



сўрамай қўйгани, О.А “блогер” эканлигини айтиб, у томонидан туғуруқ комплекси биносида олиб борилган қурилиш ишларидаги камчиликларни Интернет тармоғига жойлаштириш билан қўрқитиб, ундан пул ёки бошқа қимматликлар талаб қилмагани, тергов даврида О.А билан юзлаштирилганида ҳам уни ўзига нисбатан товламачилик содир этилмаганлигини тасдиқлаб, кўрсатувлар берган. Судда эса, О.Анинг оила-аъзолари 23.000.000 сўм пулларни қайтариб беришгани ҳақида кўрсатув берган.

Ўз навбатида, О.А ҳам дастлабки тергов ва судда, Шаҳрихон туманида жойлашган Ж.М раҳбар сифатида ишлаётган “Орзудаги хонадон” МЧЖ 2019 йилнинг баҳор фаслидан 2020 йилнинг декабрь ойига қадар Шаҳрихон тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли 2-сонли туғуруқ комплексида қурилиш-таъмирлаш ишларини бажаргани, шу комплекс ёнидаги енгил конструкцияли бино-иншоот айнан унга тегишли бўлиб, шу бинонинг қурилишини Ж.Мдан маслаҳат олиб, унинг ёрдами билан амалга оширгани, қурилишда ишлаган нотаниш усталарни ўзи ёллагани, Ж.Мга ўзини “блогер” эканлигини айтиб, у томонидан туғуруқ комплекси биносида олиб борилган қурилиш-таъмирлаш ишларидаги камчиликларни Интернет тармоғига жойлаштириш билан қўрқитиб, ундан пул ёки бошқа қимматликлар талаб қилмагани, фақатгина Ж.Мдан керакли қурилиш молларини кейинчалик пулини бериш шарти билан насияга олиб, ундан қарз бўлиб қолгани, дастлабки тергов даврида Ж.М ва унинг ўртасида ўтказилган юзлаштириш тергов ҳаракатлари давомида ҳам Ж.М ўзига нисбатан товламачилик жинояти содир этилмаганлигини тасдиқлаб, кўрсатувлар бергани, шундай бўлсада, Ж.Мдан бўлган қарзини оила-аъзолари тўлаб қўйишгани ҳақида кўрсатув берган.

Шуларга кўра апелляция инстанцияси, юқорида қайд қилинган жабрланувчи Ж.Мнинг мулкани товламачилик йўли билан қўлга киритганликда эълон қилинган айблов эпизоди бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖК 165-моддасининг 1-қисми билан судланган О.Ани айбсиз деб топиб, жиноий ҳодиса юз бермагани сабабли, уни Ўзбекистон Республикаси ЖПК 83-моддасининг 1-бандига асосан оқлашни лозим деб топди.

Дастлабки тергов органи томонидан судланган О.Анинг Шаҳрихон туман Тиббиёт бирлашмаси қабулхона-диагностика бўлими мудири вазифасида ишлаб келиш билан бирга ижтимоий тармоқларда халқ муаммоларини ёритиш билан шуғулланувчи “блогер” эканлигидан фойдаланиб, фуқаро К.Х, К.И ва Ш.Клар учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб, уларга оид маълумотларни Интернетнинг ижтимоий тармоғига чиқармаслик эвазига улардан пул талаб қилиб, такроран товламачилик йўли билан ўзгаларнинг мулкани қўлга киритганликда ҳамда махсус сертификат ёки дипломга эга бўлмасида, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1993 йил 19 мартдаги 122-сонли буйруғининг 1-бандида кўрсатилган талабларга зид равишда бирлашма бош диетологи лавозимига тайинланишига эришиб,



аслида ушбу лавозимда ҳеч қандай иш фаолиятини амалга оширмасдан, кўшимча иш ҳақларини олиб, анча миқдордаги 56.212.000 сўмлик, такроран Шаҳрихон тумани тиббиёт бирлашмаси қабулхона-диагностика бўлими мудирини вазифасида ишлаб келган бўлсада, 2018 йил 28 май куни кўшимча сифатида 0.5 иш ҳажмида бирлашманинг УТТ шифокори лавозимига тайинланиб, бироқ ушбу лавозимда ҳеч қандай иш фаолияти билан шуғулланмасдан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 181-моддасининг 2-қисмида кўрсатилган талабларга зид равишда амалда бажарилмаган ишлар учун кўшимча иш ҳақлари олиб, кўп миқдордаги 100.985.500 сўмлик, такроран мансабдор шахс бўлгани ҳолда мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, пуллик хизмат бўлими кассири Д.М билан олдиндан тил бириктириб, гуруҳ бўлишиб, жуда кўп миқдордаги 207.534.700 сўмлик бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 165-моддаси 2-қисмининг “а” банди ва 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида, жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Судлов ҳайъати, мазкур Пленум қарори тушунтиришига риоя қилиб, О.Ага жазо тайинлашда, муқаддам судланмаганлигини, қарамоғида 6 нафар фарзанди борлигини, жиноят оқибатида етказилган моддий зарар бартараф этилганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида, жиноятни ғараз ва бошқа паст ниятларда содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этиб, унга нисбатан ЖКнинг 165-моддаси билан озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 167-моддаси билан ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни лозим топди.

Бундан ташқари, юқорида қайд қилинган Пленум қарорининг 45-бандида, Жиноят кодексининг 45-моддасига мувофиқ, айбдор ўзи эгаллаган лавозим ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолда, суд, жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шартлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шунга кўра, судлов ҳайъати, судланганга нисбатан кўшимча жазо чорасини қўллаш-қўлламаслик масаласини муҳокама қилиб, О.Анинг мансаби ва блогерлик фаолияти билан боғлиқ ҳолатда жиноят содир қилганлигига эътибор қаратиб, яна шундай жиноятлар такрорланишининг



олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасига асосан унга нисбатан асосий жазога қўшимча жазо тариқасида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 42-моддасига кўра, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Шу билан бирга апелляция инстанцияси суди, жиноят оқибатида етказилган зарарлар масаласини муҳокама қилиб, Судлар фаолиятини таъминлаш Департаменти Андижон вилоят ҳудудий бўлимнинг “Ипотекабанк” АТИБ Андижон вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 13.000.000 сўм ҳамда прокуратуранинг АТИБ “Ипотекабанк” Андижон вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 445.000 сўм, жами 13.445.000 сўм пулларни Шаҳрихон туман иқтисодиёт ва молия бўлими фойдасига ўтказишни;

биринчи инстанция судидаги судланган О.Анинг талаби ва фуқаро Т.Адхамованинг аризасини инобатга олиб, прокуратуранинг АТИБ “Ипотекабанк” Андижон вилоят филиали депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 35.000 АҚШ долларидан (АҚШ долларларини ҳукм чиқарилган вақтдаги сўмга нисбатан қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб) 300 АҚШ долларини жабрланувчи К.Х фойдасига, 12.800.000 сўмга тенг бўлган 1.040,23 АҚШ долларини жабрланувчи К.И фойдасига, 351.286.700 сўмга тенг бўлган 28.548,33 АҚШ долларини Шаҳрихон туман иқтисодиёт ва молия бўлими фойдасига ўтказишни, қолган 5.111,44 АҚШ долларини фуқаро Т.Адхамовага қайтаришни;

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан, ашёвий далил деб эътироф этилган 3.000 АҚШ доллари АТБ “Алоқабанк” Андижон шаҳар филиалига топширилганлигини инобатга олишни, О.А томонидан жиноят содир этишда фойдаланилган “Samsung S21 ultra” русумли телефон аппаратини белгиланган тартибда йўқ қилишни, Андижон вилояти ИИБда сақланаётган 50 дона журналларни Шаҳрихон тумани тиббиёт бирлашмасига қайтаришни, 3 дона DVD дискларни ҳамда ёзма далил деб эътироф этилган ҳужжатларни жиноят ишида қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1001-моддаси 2-қисмида, биргаликда етказилган зарарни тўлаган зарар етказувчи зарар етказувчиларнинг ҳар биридан жабрланувчига тўланган товоннинг ҳар бир зарар етказувчининг айби даражасига мос улушини талаб қилишга ҳақли экани белгиланган.

Апелляция инстанцияси, иш бўйича жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогарга етказилган моддий зарарлар судланган О.Ага тегишли пуллар ҳисобига бартараф қилинганини ҳисобга олиб, О.Ага жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогарга тўланган моддий зарарларни регресс тартибида талаб қилиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим деб ҳисоблайди.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 463, 497<sup>19</sup>, 497<sup>20</sup>, 497<sup>21</sup>, 497<sup>23</sup>, 497<sup>24</sup>, 497<sup>26</sup>, 497<sup>31</sup>, 497<sup>36</sup>-моддаларига асосланиб, апелляция инстанцияси

### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Ахлиддинов Отабек Адахамовичга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Хонобод шаҳар судининг 2023 йил 24 ноябрдаги ҳукми бекор қилинсин.

Ахлиддинов Отабек Адахамович Ўзбекистон Республикаси ЖК 165-моддасининг 1-қисми билан (жабрланувчи Ж.Мнинг мулкани товламачилик йўли билан қўлга киритганликдаги эпизод) Ўзбекистон Республикаси ЖПК 83-моддасининг 1-бандига асосан оқлансин.

Ахлиддинов Отабек Адахамович Ўзбекистон Республикаси ЖК 165-моддаси 2-қисмининг “а” банди ва 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбли деб топилсин.

Ахлиддинов Отабек Адахамовичга:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 165-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланилиб, 3 йил давлат иштирокидаги ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳамда блогерлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин;

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин;

Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасининг 3-қисми ва 61-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли орқали узил-кесил 3 йил давлат иштирокидаги ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳамда блогерлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 7 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин

Жазони умумий тартибли колонияда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2023 йил 18 март кунидан бошлаб ҳисоблансин.

О.Ага нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Судлар фаолиятини таъминлаш Департаменти Андижон вилоят ҳудудий бўлимининг “Ипотекабанк” АТИБ Андижон вилоят филиали депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 13.000.000 сўм ҳамда прокуратуранинг АТИБ “Ипотекабанк” Андижон вилоят филиали депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 445.000 сўм, жами 13.445.000 сўм пуллар моддий зарарни қоплаш учун Шаҳрихон туман иқтисодиёт ва молия бўлими фойдасига ўтказилсин.

Фуқаро Т.Адхамованинг аризаси инобатга олинди, прокуратуранинг АТИБ “Ипотекабанк” Андижон вилоят филиали депозит ҳисоб рақамида



сақланаётган 35.000 АҚШ долларида 300 АҚШ доллари жабрланувчи К.Х фойдасига, 12.800.000 сўмга тенг бўлган 1.040,23 АҚШ доллари жабрланувчи К.И фойдасига, 351.286.700 сўмга тенг бўлган 28.548,33 АҚШ доллари Шаҳрихон туман иқтисодиёт ва молия бўлими фойдасига ўтказилсин, қолган 5.111,44 АҚШ доллари фуқаро Т.Адхамовага қайтарилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган 3.000 АҚШ доллари АТБ “Алоқабанк” Андижон шаҳар филиалига топширилганлиги инобатга олинсин, судланган О.Ага тегишли бўлган “Samsung S21 ultra” русумли телефон аппарати белгиланган тартибда йўқ қилинсин, Андижон вилояти ИИБда сақланаётган 50 дона журналлар Шаҳрихон тумани тиббиёт бирлашмасига қайтарилсин, 3 дона DVD дисклар ҳамда ёзма далил деб эътироф этилган ҳужжатлар жиноят ишида қолдирилсин.

О.Ага жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогарга тўланган моддий зарарларни регресс тартибида талаб қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Апелляция протести қаноатлантирилсин. Апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Апелляция инстанцияси судининг ҳукми устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

Ф.Абдураимов

Ҳайъат судьялари

Н.Мирзажонов

А.Хабибуллаев

